

Гулдона ТАНИЕВА,
ЎзР ФА Тарих институти
катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

XVI – XIX АСРЛАРДА БУХОРО ШАҲРИ ВА УНИНГ АТРОФИДАГИ МУҚАДДАС МАСКАНЛАР ЗИЁРАТИ ТАРИХИДАН

XVI – XIX асрларда Ўрта Осиёда тасаввуф тариқатлари ғояларининг мусулмон жамияти ҳаётида янада кенг ёйилиши кузатилади. Тасаввуф ғоялари аҳолининг барча қатламлари маънавий ҳаётида жуда катта таъсирга эга бўлган. Бу таъсир шунчалик кучли бўлганки, тасаввуф ғояларидаги кўпгина элементлар, жумладан, йирик шайх ва эшонлар ҳузурига тез-тез ташриф буюриш, улардан фотиҳа олиш ва шайх ва тасаввуф намоёндалари мақбараларини зиёрат қилиш ва бошқа суфиёна урф-одатлар кўп асрлардан бери халқ ҳаётида сақланиб келмоқда.

Ушбу мақолада ўрта асрларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофида мусулмонлар томонидан тез-тез зиёрат қилинган айрим муқаддас зиёратгоҳлар хусусида, умуман, муқаддас жойлар зиёратининг барча аҳоли қатламлари ҳаёт тарзига кенг сингиб боришининг назарий асослари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Манба ва илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, зиёратчилар икки хил ҳолатда муқаддас қадамжоларга ташриф буюрган: биринчиси бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга сафарлари давомида йўл-йўлакай ташриф буюрган бўлса, иккинчиси бирор машаққатли ёки муҳим ишни амалга ошириш олдида (ҳаж сафари, ҳарбий юришлар каби) ҳамда қийинчиликларга (шифо топиш, душман ҳужумини даф этиш каби) дуч келинганида ҳам муқаддас қадамжолар зиёрат қилинган.

Ўрта Осиёда кўплаб муқаддас қадамжоларнинг вужудга келиши ва уларни тез-тез зиёрат қилиш одати кенг ёйилишининг ўзи ҳам тасаввуф тариқатлари ғояларининг халқ ҳаётида нечоғлик катта ўрин тутганини кўрсатади. Шу ўринда тасаввуфда зиёрат, сафар қилиш ҳақида илгари сурилган ғоялар хусусида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. Т.Усмон ўз асарида суфийлик тариқатларида бажариш талаб этилган сайру-сулук (рухий саёҳат) ҳамда саёҳат (ҳижрат), яъни жисмонан саёҳат қилиш ҳам муҳим саналгани ҳақида баён қилади¹. Шунингдек, тадқиқотчи Ҳ.Алгар Ўрта Осиёда кенг ёйилган кубровия тариқатида ҳам суфийлар учун саёҳат қилиш талаби мавжуд бўлганини, унга кўра, дарвешларнинг авлиёлар мазорлари ва мақбараларини зиёрат қилиш, шайхлар ҳузурига ташриф буюриш ва дарвиш чидам бардошини амалда синаш каби учта мақсадда қилган саёҳати тўғри саналиши ҳақида айтиб ўтади². Н.Комилов асарида ҳам суфийларнинг рухий-маънавий камолоти учун сафар қилиш энг маъқул ажру-риёзат турларидан саналгани ҳақида фикр билдирилган³. Демак, эътибор

¹ Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. Турк тилидан Н.Ҳасан таржимаси. Тошкент: Истиқлол, 1999. 89-б.

² Algar Hamid. Tariqat and Tariq: Central Asian Naqshbandis on the Roads to the Haramayn / Central Asian Pilgrims Hajj Routes and Pious Visits between Central Asia and the Hijaz Alexandre Papas/Thomas Welsford/Thierry Zarcone (eds.). Berlin. 2011. p.24.

³ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб, Тошкент: “Ёзувчи”. 1996. 35-бет.

қаратилса, тасаввуф таълимотида саёҳат, зиёрат қилиш камолотга интиланган мусулмон учун муҳим шартлардан бири саналган. Шу боисдан жуда кўплаб суфийлар мусулмон мамлакатларини пиёда кезиб чиққан. Шу ўринда жуда кўп саёҳат қилганлари сабабли суфийлар халқ орасида **“сайёҳун”лар**, деб ҳам аталганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

XIX асрда Ўрта Осиё шаҳарларига сафар қилган европалик сайёҳ А.Вамбери Ўрта Осиёлик кўплаб маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашиб, улардан қуйидаги гапни эшитади ва кундалигига қайд этиб қўяди: **“Туркистонда иккита қалъа мавжуд, бири навқирон Бухорони ҳар доим ҳимоя қилувчи бизнинг тупроғимизда ором топган кўплаб авлиёлар, иккинчиси эса уни ўраб турган бепоён чўллардир”**.

Ўрта Осиёнинг тасаввуф шайхлари ва уларга эргашган дарвишлар турли шаҳарларда жойлашган муқаддас мазорларни, қадамжоларни зиёрат қилиб турган ёки машҳур шайх ва алломаларнинг ҳузурига ташриф буюрган. Масалан, 1419 йилда шайх Муҳаммад Порсо иккинчи ва сўнгги бор Макка зиёратига йўл олганда, йўл-йўлакай Насафдаги (ҳозирги Қарши шаҳри) мазори Муборакни таовф қилиб ўтади ҳамда Чағониён, Термез, Балх ва Ҳиротдаги авлиёларнинг муқаддас мазорларини ҳам зиёрат қилиб ўтган⁴, шайх Ҳусайн Хоразмийнинг ҳам ҳажга йўл олишдан аввал ният қилиб, Бухородаги шайх Сайфиддин Боҳарзий ва бошқа барча муқаддас шайхлар мазорларини, Нажмиддин Кубро мазорини зиёрат қилган⁵. Шунингдек, “Матлаб ут-толибин” асари **“Имомқулихон ҳажж ниятида кетаётган пайтида Сумитонга қўниб ўтди”**⁶, деган жумлани ўқиш мумкин.

⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. М.: Восточная литература. 2003. С.301.

⁵ Algar Hamid. Tariqat and Tariq: Central Asian Naqshbandis on the Roads to the Haramayn. p.29.

⁶ Каттаев К. Тасаввуф алломалари. Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2017. 286, 289-бетлар.

⁷ Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тождиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин. Таржимонлар Ғ.Каримий, Э.Миркомиллов. Т.: Мовароуннахр. 2016. 290-бет.

Шунингдек, асарда ҳукмдорлар ва йирик амалдорларнинг бу зиёратгоҳга тез-тез ташриф буюриб туриши ҳақида маълумотлар жуда кўп. Бир ўринда Бухоро хони Абдуллахон II ўғли Абдумўминнинг суннат тўйига қайноғаси Элмуҳаммадхонни Марвдан чақирганда, у Бухорога кела туриб, дастлаб Абубакр Саъд Сумитонийнинг қабрини зиёрат қилгани баён қилинган. Абдуллахоннинг ўзи ҳам Сумитонга зиёрат учун тез-тез ташриф буюриб турган. Мисол тариқасида унинг Наврўз Аҳмадхон ўғли Бобо султон қаршичилигини (Абдуллахон ўзининг 1582 йилдаги Тошкент юришида Бобо султонни қатл эттиради) енгил ниятида Тошкентга юриш қилишидан олдин Абубакр Саъд Сумитоний қабрини зиёрат қилгани, яна Чоржўйдан қайтишда касалланиб қолганда тахтиравонга ўтириб, Абубакр Саъд мозирига бориб, у ерда 40 кун тоат-ибодат билан машғул бўлганини айтиш мумкин.

Яна “Матлаб ут-толибин”да Жуйбор шайхи Тождиддин Ҳасанхожанинг Сумитон мавзесидаги (Чорбакр) мазорлари ҳафтада бир ёки икки марта ташриф буюргани ёзилган⁸. Шайх зиёрат амалларини адо этиб бўлгач, қўйлар сўйилиб, таомлар тайёрланган, барча толиблар, атроф аҳолисига улашган сўнг Қуръон тиловат қилинган.

Ушбу асарда яна аёлларнинг муқаддас мазорлар зиёрати учун ташриф буюришига доир маълумотлар ҳам мавжуд. Унда муаллифи Муҳаммад Толибнинг ўз синглиси, бир гуруҳ аёллар ва хизматкорлар билан Хожа Саъд зиёратига боргани, зиёрат амаллари тугагач, чаҳорбокда сайр қилгани, таом тайёрланиб тановул қилингани баён қилинган.

Яна асардаги **“Ҳар йили бутун Бухоро ва унинг етти тумани аҳолиси ҳазрат Хожа Саъд мазори зиёратига жам бўлишарди. Ҳазрат Эшон (Жуйбор шайхи Тождиддин Ҳасан хожа) ҳам ота-боболари зиёратига бориб, намозгоҳнинг айвони тагида ўтирарди”** деган жумланинг мазмунидан аён бўладики, демак, Ўрта асрларда Сумитондаги Хожа

⁸ Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тождиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин. 228-бет.

Саъд мазори нафақат ҳукмдорлар, амалдор ва йирик шайхларнинг, балки оддий аҳолининг ҳам доимий равишда зиёрат қиладиган йирик зиёратгоҳи саналган.

Шунингдек, Бухоро атрофида тез-тез ташриф буюриладиган зиёратгоҳлари қаторида Ғиждувон қишлоғидаги шайх Абдуҳолиқ Ғиждувоний даргоҳи ҳам жуда гавжум бўлган. XIX асрда А.Вамбери ҳам Макка зиёратидан қайтаётган ҳожилар Бухорода йўл-йўлакай Ғиждувондаги Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг қабрини зиёрат қилишни маъқул кўргани ҳақида ёзади⁹. Шунингдек, Муҳаммадҳакимхон Тўранинг XIX асрда ёзилган асарида ёзилишича, биринчи манғит ҳукмдори Раҳимхон (1756 йил 16 декабрда тахтга ўтирган) вафотидан олдин Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг муқаддас мазорини зиёрат қилгани ташриф буюради¹⁰. Демак, Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг қабри азалдан кенг омманинг тез-тез зиёрат қилиб турган муқаддас жой саналган.

“Матлаб ут-толибин” да хожа Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ҳақида қизиқ маълумотларни ўқиш мумкин бўлади. Унда ёзилишича, бир гал Имомқулихон Нақшбанд сармозорига тилла ва кумуш идишлар ясаптириб, чоршанба куни гулисурх байрамида қанддан шарбатлар тайёрлатиб, ўша жойнинг аҳолисига тарқатишни режа қилади. Лекин шундай вазият юз бердики, хон Тошкент тарафга кетишга мажбур бўлди ва у ерда туриб шайх Тожиддин Ҳасанхожага мактуб йўллайди. Мактубда шайхга ўзининг ўрнига Нақшбанд зиёратини амалга оширишини, шарбатни халққа тарқатишини сўрайди¹¹. Бундан кўринадики, ҳукмдорлар зиёрат масаласига жиддий эътибор берган.

Шунингдек, А.Вамберининг ёзишича, ҳажга кетаётган маҳаллий мусулмонлар орасида хайрлашиш олдидан бу зиёратгоҳга ташриф буюриш кенг урф бўлган. Шунинг учун муаллиф ҳам Маккага отланган бошқалар

қаторида бу муқаддас қадамжони зиёрат қилишга боргани ҳақида ёзиб қолдирган. Маҳаллий аҳолининг одатига кўра, деб ёзади А.Вамбери, бухороликлар “Йо, Баҳовуддин балогардон”, деб бақирса, улар барча балоказолардан омон сақлаши мумкинлигига қаттиқ ишонган. Ҳатто узоқ Хитойдан (Қашғар (Г.М.)) ҳам мусулмонлар бу қабрни зиёрат қилишга келишган.

Бухорода мусулмонлар орасида ҳафтада бир маротаба уни зиёрат қилиш одат тусига кирган, дейди А.Вамбери. Ҳатто Бухоро шаҳридан зиёратгоҳга бориш учун Дарвозаи Мозор ёнида доимий 300 дан ортиқ эшак, отлар ва аравалар билан қиракашлар саф тортиб турган. Улар зиёратчиларни бир неча майда мис танга эвазига зиёратгоҳга элтиб қўйган.

Шунингдек, П.И.Демезон ва И.В.Виткевичларнинг 1830 йилларга доир элчилик ҳисоботида ҳам бунга доир қизиқарли маълумотлар мавжуд. Унда қайд этилишича, сешанба кунлари Бухоро дарвозалари ёнида юзлаб эшак ва отлар Баҳовуддин Нақшбанд мазорига элтиб қўйишга қира қилиш учун қатор бўлиб турган, уловни қира учун берган қирачи 1 танга эвазига ўзи пиёда тез юриб от ёки эшагига эргашган ва йўловчини 50–60 дақиқада манзилга етказган¹². Элчи бир неча ой Бухорода бўлган вақтида Баҳовуддин Нақшбанд мазорига ҳам бир неча бор ташриф буюради. У ҳисоботида мусулмонларнинг ҳар ҳафта чоршанба куни уни зиёрат қилишга бориши, ўша куни зиёратгоҳ атрофида катта савдо бозори ташкил бўлиши ҳақида ёзади. Шунингдек, Бухоро амири ҳам ҳар ҳафта уни зиёрат қилишга бориши, унга яқин жойда амирнинг ҳовлиси мавжудлиги ҳақида маълумот беради¹³.

Тадқиқотимиз давомида 2019 йил охирида қонгонлик 1956 йилда туғилган Муйидин Жамолов билан бўлган суҳбатда аён бўлдики, бугунги кунда ҳам шу зиёратгоҳ ёнида “Қиракаш” номи билан юритиладиган қишлоқ ҳам мавжуд¹⁴. Демак, ўрта аср ҷамиятида бу

⁹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. М.Восточная литература. 2003. С.152.

¹⁰ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан тарж. муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. Т.: 2010. 28-бет.

¹¹ Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин. 2016. 241-бет.

¹² Записки о Бухорском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). М.Главная редакция восточной литературы, 1983. С. 62 – 63.

¹³ Ўша жойда.

¹⁴ Дала ёзуви. 2019 йил 12 ноябрда Бухоро вилояти Қонгон тумани Шайхлар қишлоғида яшовчи 1956 йилда туғилган Жамолов Муйидин Мансурович тилидан ёзиб олинди.

зиёратгоҳга йўловчиларни ташийдиган алоҳида аҳоли қатлами ва махсус кира жойларининг вужудга келгани, бу жойлар уларнинг доимий муқим яшаб қоладиган аҳоли пункти даражасига етгани шундан далолат берадики, асрлар давомида бу зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар сони жуда кўп бўлган, уларнинг ташрифи узлуксиз давом этиб турган. Бу ҳолат худди ҳозирги даврдаги шаҳарлараро қатновчи йўналишли такси ва таксопарк ёки автовокзаллар ўтмишини эслатади.

1830 йилда Оренбургдан Бухорога келаётган П.И.Демезон ва И.В.Виткевичлар қарвон билан қозоқ улуслари ҳудудидан ўтаётганда, уларнинг султони Темур элчилардан Бухорога етиб борганда Баҳовуддин Нақшбанд қабрини унинг номидан ҳам зиёрат қилишни илтимос қилган¹⁵. Маълумотлардан кўринадики, бу зиёратгоҳ нафақат маҳаллий, балки қўшни ҳудудларда яшаган мусулмонлар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ саналганки, А.Вамберининг таъбири билан айтганда, Баҳовуддин Нақшбанд Ўрта Осиё мусулмонлари учун худди “*иккинчи Муҳаммад*” саналган. Ҳатто унинг қабри олдида кўплаб қўй суяклари билан бирга супурги ҳам ётарди, бу супурги билан қачонлардир Каъба биноси супурилган экан, дейди муаллиф унинг ҳаж сафари вақтида келтирилганига ишора қилиб.

Шунингдек, XIX асрнинг 80-йилларида рус сайёҳларидан В.В. Крестовский ҳам “Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд нафақат Бухорода, балки бутун Ўрта осийда машҳур авлиёдан бири бўлган, унинг қабрини 3 маротаба зиёрат қилиш эса мусулмон учун Маккадаги Каъбага саёҳат қилишнинг ўрнини босади” дея таъкидлаб ўтади ўз асарида¹⁶. Уни зиёрат қилишнинг халқ орасида Каъба зиёрати билан бир ўринда кўриш даражасига етганидан аён бўладики, бу маскан жуда машҳур ва гавжум бўлган. “Санги мурод” бу қабрнинг жанубий юзасида ўрнатилган тош бўлиб, диндорларнинг айтишича, дейди В.В.Крестовский, у илоҳий кучга эга, ҳар бир мусулмон унинг ёнида тўхтаб, унга қўл

теккизиб, қўлини юзига олиб бориб, дуо ўқиган. Муаллиф маҳаллий аҳолидан эшитган ривоятларга асосланиб, ҳар бир зиёратчи Санги Муродга қўл теккизиши, унинг ёнидаги қудуқдан 7 култум сув ичиши, унга камида 7 та танга ташлаши лозим саналган, дейди ва бунинг изоҳини ҳам шу ривоятларга таяниб келтириб ўтади¹⁷. Яъни 7 рақами бу авлиёнинг ҳаёти билан боғлиқ саналган, деб талқин қилинади.

Шунингдек, “Убайдуллонома” асарида Бухоро хони Убайдуллахоннинг кетма-кет еттита зиёратгоҳга ташриф буюргани айтилади¹⁸. Дастлаб у хожа Абдуҳолик Гиждувоний мазорини зиёрат қилади. Кейин шайх Дарвишнинг (у ҳақида маълумотлар сақланмаган) ва Суфи Чубин қабрини зиёрат қилиш учун жўнайди. У ерда “*ишларининг ривожини*” сўраб зиёрат амалларини бажаргач, кейин хожа Ориф Ревгорийнинг муқаддас қабрига ташриф буюрган. Хон шу ерда тунни ўтказиб, кейин Хўжа Убан (ёки хўжа Аубан) қабрини зиёрат қилиб, ибодатларни адо этади. У ердан пойтахтга йўл олиб ярим йўлда Бобои Самосий ва хўжа Али Ромитоний қабрларини зиёрат қилган. Бу тарихий маълумот бутунги кунда Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги еттита қадамжога ташкил этилаётган “Етти пир” зиёрати йўналиши тарихий илдизлари бир неча асрларга бориб тақалишини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида дафн этилган йирик шайхлар қабрлари нафақат бу ҳудудда, балки қўшни минтақаларда яшовчи мусулмонлар учун муқаддас зиёратгоҳ саналган. Жамиятда ҳам сиёсий, ҳам маънавий ва молиявий мавқеи баланд бўлган шайхлар ва ҳатто ҳукмдорларнинг муқаддас мазорларни зиёрат қилиш ғоясига амал қилиши аҳолининг барча қатлами орасида ҳам улардан ўрнак олишга интилишни кучайтирган. Бу эса зиёратгоҳларнинг доимий гавжум бўлишини таъминлаган, дейиш мумкин.

¹⁵ Записки о Бухорском ханстве. С. 32.

¹⁶ Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. СПб. 1887. С. 384.

¹⁷ Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. С. 386-387.

¹⁸ Мир Мухаммед Амин-Бухари. Убайдулла-наме. Перевод с таджикского с прим. А.А.Семенова. Издательство Академии наук Узбекской ССР. Т.: 1957. С. 31-32.